

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

СамДУ ректори

проф

Р.И.Халмурадов

2022 йил

06.01.06-САБЗАВОТЧИЛИК ИХТИСОСЛИГИ БЎЙИЧА ТАЯНЧ
ДОКТОРАНТУРАГА
КИРИШ СИНОВЛАРИ УЧУН МАХСУС ИХТИСОСЛИК
ФАНЛАРИДАН




ДАСТУР ВА БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

Самарқанд-2022 й.

Аннотация:

Дастур 06.01.06- Сабзавотчилик ихтисослигига кирувчилар учун 5А411001 —Сабзавотчилик ва поллизчилик, 5А411701 — Ҳимояланган ер сабзавотчилиги 5А411004 — Картошқачилик мутахассисликларини 2019 йилда тасдиқланган ўқув режасидаги асосий фанлар асосида тузилди.

ТУЗУВЧИЛАР:

- Хашимов Ф.Х.  СамДУ, Агрокимё ва ўсимликларни химоя қилиш кафедраси мудир, кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор
- Нормуродов Д.С.  СамДУ, Агрокимё ва ўсимликларни химоя қилиш кафедраси профессори, кишлоқ хўжалиги фанлари доктори
- Халмирзаев Б.Х.  СамДУ, Агрокимё ва ўсимликларни химоя қилиш кафедраси доценти

Дастур Агробиотехнологиялар ва озиқ-овқат хавфсизлиги институтининг 2022 йил “ ” даги № сонли Кенгаш йиғилишида муҳокама қилинган ва тасдиқлашга тавсия этилган

КИРИШ

06.01.06- Сабзавотчилик ихтисослигига - Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги соҳасидаги йўналиш бўлиб, у мева ва резаворлар, сабзавотлар, картошка ва полиз маҳсулотларининг келиб чиқиши, тарқалиш тарихи, халқ хўжалигидаги аҳамияти, кимёвий таркиби, ҳозирги ҳолати ва ривожланиш истиқболи ҳамда ташқи муҳит омилларига бўлган талаби ва соҳа истиқболини белгилашга, касбий кўникма, мўтассаддилик қобилиятига йўналтирилган инсон фаолиятининг воситалари, усуллари, методлари ва услубларининг мажмуасини қамраб олади.

06.01.06- Сабзавотчилик ихтисослигига вазифаси - талабалар билимларини чуқурлаштириш ва боғ шароитида мевалар етиштиришнинг илғор ва инновацион технологиялари тўғрисида, мева ва узумларни аҳамияти, ташқи муҳит омилларига кўра гуруҳларга ажратиш, кўпайтириш усулларини ўрганиш, ўсимликларни ўсиш ва ривожланиш босқичларини билиш меваларни уруғлари ҳамда кўчатлари тузилиши талабани ушбу фан бўйича олган назарий ва амалий билимларини курс иши ва битирув ишларини бажариш билан реал шароитида қўллаш бўйича кўникма ҳосил қилишдан иборатдир.

06.01.06- Сабзавотчилик ихтисослиги таянч докторантурага кирувчи даъвогарлар учун 5А411002 — Мевачилик 5А411003 -Узумчилик ва узумни дастлабки қайта ишлаш мутахассисликлар ўқув режасига асосан ихтисослик фанлари бўйича: “Сабзавотчилик”, “Ҳимояланган ер сабзавотчилиги”, “Полизчилик”, Сабзавот ва полиз экинлари биологияси, Кам тарқалган сабзавот экинларини етиштириш технологияси фанларидан тест саволлари шакллантирилган. Бу фанлар ўз негизида қамраб олинган маълумотлар куйида батафсил келтирилган.

САБЗАВОТЧИЛИК фани бўйича:

Сабзавотчиликнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболи. Сабзавотчиликни мустақиллик йилларида жадал ривожланиш сабаблари. Сабзавотлар истеъмол қилинадиган қисми кимёвий таркибини ўзгаришига сабаблар ва улар таркиби сифатини яхшилаш усуллари. Сабзавотларни ботаниқ таърифи, ҳаётини давомийлигига келиб чиққан маконлари таъсири, озиқ-овкатга ишлатилиши бўйича гуруҳлаш. Мавжуд сабзавот экинлари морфологик ва ботаниқ тузилишларини урганишдан мақсад. Иссиқлик, ёруғлик, намлик, тупроқ ва ҳаво озиқаси таъсирида ўсимликлар филогенезидаги ўзгаришлар. Ўсиш ва ривожланиш босқичларини ўтиши даврида ташқи муҳит таъсири. Ўсиш ва ривожланиш босқичларини (фазаларини) бир ва икки йиллик сабзавотларда ўтиши учун зарур буладиган омиллар. Икки йиллик сабзавотларни ҳаётини биринчи йили гулпоё чиқариши ёки иккинчи йили

гулпоя чиқармаслик сабаблари. Ривожланиши даврида ҳар икки тур, куп йилликлар учун ёруғлик ва кун узунлиги ҳамда ҳароратни таъсири. Тупроқ ва ҳаво намлигини ўсимликни ўсиш ва ривожланишига таъсири, ривожланиш босқичида намликка муносабати.

Ўсимлик вегетатив ва генератив органларини ҳосил қилишида, касаллик ҳамда қурғоқчиликка чидамли бўлишида макро ва микро элементларни аҳамияти. NPK ларни тупроққа солиш муддатлари ва меъёрлари. Уларни уруғидан ва вегетатив усулда кўпайтиришларнинг ижобий ва салбий томонлари. Вегетатив ҳамда генератив усулда кўпайтиришнинг аҳамияти, уруғни экишга тайёрлаш усуллари. Ўзбекистон иқлим шароитида сабзавотларни экиш муддатлари ва усуллари, уларни турли муддатларда экиш сабаблари. Эртаги сабзавотлар учун эгатни кузда тайёрлаб кўйиш. Шўрланган ерларни эртаги ва кечки сабзавотлар учун тайёрлашнинг фарқи. Томатдошларни аҳамияти, тарқалиши, ташқи муҳит омилларига муносабати ва кўпайтириш усуллари. Илдизмевалиларни аҳамияти, биологик хусусиятлари ва туманлаштирилган навлари. Сабзи, турп, ош лавлаги, ва бошқаларнинг келиб чиққан макони, ҳарорат, намлик ва тупроқ озикасига муносабат ҳамда туманлаштирилган навлари. Ерни экишга тайёрлаш, экиш муддатлари, парвариш қилиш ва ҳосилни йиғиштириш. Пиёз, унинг турлари ва саримсоқни келиб чиқиши, тарқалиши, истеъмолдаги ва озиқ-овкат саноатидаги аҳамияти, шифобахшлик хусусиятлари. Пиёзни алмашлаб экишдаги ўрни, ўтмишдош экинларга муносабатлар. Экиш нормаси, схемаси, чуқурлиги ва муддатлари. Бегона ўтларга қарши гербицидлар қўллаш. Қатор орасига ишлов бериш, суғоришларни уни ривожланишига кўра тўғри тақсимлаш. Саримсоқ етиштириш технологиясининг ўзига хос хусусиятлари.

Карам турларини фарқлари, кимёвий таркиби, иссиқлик, намлик, тупроқ ва ҳаво озикасига муносабати ҳамда уларни сошлаш усуллари. Карамни алмашлаб экишдаги ўрни, ўтмишдош экинларга муносабати, экиш муддати, тупроқ озикасига талабчанлиги, экилиш қалинлиги. Оқбош ва гулкарамни эртаги ва кечки муддатларда етиштириш технологиясининг ўзига хос хусусиятлари. Бодринг ва сабзавот қовоқчалари биологияси, навлари, экиш муддатлари, схемаси. Бодрингни жадал технология асосида етиштиришнинг ва ҳосилини йиғиштиришнинг ўзига хос хусусиятлари. Бодринг ва сабзавотлар қовоқчаларини ўтмишдош экинларга муносабати, ерни экишга тайёрлаш, экиш муддатлари, уруғни экишга тайёрлаш, ягона қилиш, қаторлар орасига ишлов бериш, озиқлантириш.

ПОЛИЗЧИЛИК фани бўйича:

Полизчиликнинг ҳозирги аҳволи ва ривожланиш истиқболлари Полиз экинларини халқ хўжалигидаги аҳамияти. Полиз экинларини саноат даражасида етиштириладиган туманлари. Ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган полиз экинлари турлари, хиллари ва навлари. Навларнинг

тупроқ-иқлим шароитига талаби. Кўпайтиришни интенсив усуллари. Стандарт навларини тавсифи. Полиз экинларини келиб чиқиш ватани, ботаниқ белгилари, ҳаётини давомийлиги, истеъмол қилинадиган органлари, ишлаб чиқариш ҳамда бошқа белгиларига кўра классификацияси ва уларини гуруҳларга булиш.

Полиз экинларини морфо-биологик хусусиятлари ва етиштириш технологияси. Қовун етиштириш технологияси, экиш усуллари ва муддатлари, парваришlash, касаллик ва зараркунандаларига қарши кўрашиш, ҳосилни йиғиб олиш. Тарвуз етиштириш технологияси, экиш усуллари ва муддатлари, парваришlash, касаллик ва зараркунандаларига қарши кўрашиш, ҳосилни йиғиб олиш. Қовоқ етиштириш технологияси, экиш усуллари ва муддатлари, парваришlash, касаллик ва зараркунандаларига қарши кўрашиш, ҳосилни йиғиб олиш. Полиз экинлар кўчатларини етиштиришни замонавий технологияси. Нав танlash. Тупроқни тайёрlash, участкани режалаш, бегона ўтларга қарши кўрашиш, суғориш, ўғитlash ва тупроқни юмшатиш. Полиз экинларини қатор ораларига ишлов бериш тизими. Ерга ишлов бериш. Бегона ўтларга қарши кўрашишда гербецидлардан фойдаланиш. Полиз экинларни суғориш ва ўғитlash усуллари ва меъёрлари. Ҳосилни йиғиб-териб олиш муддати уларнинг тури ва нав хусусиятларига, маҳсулотга қўйиладиган талабга ва улар қандай мақсадларда фойдаланилишига қараб белгиlash.

ҲИМОЯЛАНГАН ЕР САБЗАВОТЧИЛИГИ фани бўйича:

Мамлакатимизда аҳолини сабзаот маҳсулотлари билан узлуксиз таъминlashни аҳамияти. Сабзаотчиликни тармоғини ривожлантириш борасида олиб борилаётган ислохотлар, ҳукуматимиз фармонлари ва қарорлари. «Ҳимояланган жой» ва «Ҳимояланган жой сабзаотчилиги» тармоғи ҳақида тушунча, уни аҳамияти. Фаннинг мақсади ва вазифаси. Ҳимоя қилинган жойларда етиштириладиган сабзаотларни илмий асосланган истеъмол қилиш меъёрлари. Чет давлатларда ва Ўзбекистонда Ҳимояланган жой сабзаотчилигини аҳволи ва уни ривожланиши. Ёруғликнинг аҳамияти ва иссиқхона сабзаот ўсимликларининг унга бўлган талаби. Ёруғлик ўсимликлар учун энергия берувчи манба ҳисобланади. Таркибида хлорофил бўлган яшил ўсимликлар нурли энергия ёрдамида органик моддаларни яратиш, тўplash қобилятига эга. У ўз навбатида ҳосилни шакллантиришни таъминлайди. Ёруғлик яна нафас олиш транспирацияси ва моддалар ҳаракати учун сарфланадиган энергия манбаи ҳисобланади. Ҳимояланган ер иншоотларини қопlashда фойдаланиладиган ёруғликни ўтказувчи материаллар ва уларга қўйиладиган талаблар. Ҳимоя қилинган жой сабзаотчилигида қўлланиладиган ойналар, уларнинг тавсифи. Турли ойналарнинг кўринадиган, ультрабинафша ва инфрақизил нурларни ўтказиш қобиляти. Ойнанинг салбий ва ижобий хусусиятлари. Парник ва иссиқхоналарни қопlashда қўлланиладиган ойналар. Янги истикболли

ёруғлик ўтказувчан материаллар. Ярим қаттиқ ва рулон шаклидаги стеклопластик, улардан фойдаланиш. Полимер материалларни механик, физик хусусиятлари.

САБЗАВОТ ВА ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ БИОЛОГИЯСИ фани бўйича:

Сабзавот ва полиз экинларини ўсиш ва ривожланиш хусусиятлари. Сабзавот ўсимликларининг бирламчи, иккиламчи келиб чиқиш маконларининг экинлар ташқи муҳит омилларига муносабатлари. Сабзавот экинларининг келиб чиқиш маконлари. Сабзавот экинларида филогенез ва онтогенез. Ер устки ассимиляция ва илдиз қисми ҳамда ҳосилнинг шаклланиш қонуниятлари. Уларнинг генетик мутаносиблиги. Экинларнинг гуллаш босқичига ўтишда ҳарорат ва ёруғлик омиллари, уларнинг босқичли тартиботи. Иссиқсевар ва совуққа бардошли экинлар ривожланиши. Икки йиллик сабзавотларни ҳароратга муносабати. Ўсишдаги даврийлик. Ўсиш ва ривожланиш босқичлари.

Ташқи муҳит омилларининг экинлар маҳсули шаклланиши, унинг миқдори ва сифатининг ортишларига мослаштириш услублари. Ташқи муҳитнинг иқлимий тупроқ (эдафик) биологик (биотик) ва антропоген мужассам (бевосита ва билвосита) омиллар. Уларнинг қисқача тавсифлари. Экинларнинг омилларга муносабатларини аниқловчи курсаткичлар (талабчанлик, бардошлик, сезувчанлик). Омилларнинг бевосита ва билвосита таъсири. Онтогенезининг турли погоналарида айрим омилларга турлараро, навлараро фаркланишлар. Шароитларни экинлар талабларига мослаштириш. Ноқулай шароитларга экинлар чидамлиликларини оширишнинг технологик ва селекцион усуллари.

Сабзавот экинлари ҳаётида ҳарорат даврийлиги, амалий сабзавотчиликда унинг кулланилиши. Ҳароратга талабчанлик, онтогенез давомида унинг ўзгариши ва курсаткичлари: қулай ва максимал ҳароратлар. Буларнинг бошқа омиллар ҳолатларига мувофиқ ўзгаришлари. Сабзавотларни иссиқликка бўлган муносабатига кўра гуруҳлаш ва ушбу хусусиятларига кўра таснифи (қишга ёки қаттиқ совуққа бардошли, совуқбардош, иссиқ талаб, жазирама иссиққа бардошли). Сабзавот ўсимликларни иссиқликка бўлган муносабатига кўра мослаштириш усуллари - агротехник чора-тадбирлар.

Ёруғликнинг жадаллиги (қуввати), қуёш нурлари спектрал таркиби, географик жойланиш, йил, кун, тун, вақт белгиларига кўра нурланишлар давомати. Турли сабзавот экинларининг қуёш энергиясидан фойдаланиш коэффициентлари. Аниқ ва тарқоқ радиацияси, физиологик ва фотосинтез радиациялар. Сабзавот ўсимликлари ҳаётида ёруғликнинг даврийлиги

(фотопериодизм), унинг амалий сабзавотчиликдаги моҳияти. Сабзавот экинларининг ёруғлик кучига талабларига кўра гуруҳланиши (жуда кучли, талаб, талабчан камроқ талаб, талаб килмовчилар), ҳамда кун узунлигига кўра (узун кунли, киска кунли бетарафлар) булиниши. Очик дала ва ёпик жойларда ёруғликни созлаш усуллари (экиш муддатлари), қияликлардан фойдаланиш, экинларни жойлаштириш шакли, қалинлиги, қаторлар йўналиши, кулислар, кушимча экинлар, тўсиқлаш, кунни қисқартириш.

Ҳаво таркиби ва тупроқда оксиген ва карбонат ангидрид миқдорлари, уларнинг экинлар ўсиши ва маҳсулдорлигига таъсири. Амалий сабзавоткорликда бу газдан фойдаланиш. Ҳавони ифлословчи (олтингугурт гази, азот оксиди, аммиак, метан, азон ва ҳ.к.) газларга сабзавот экинларининг муносабатлари. Ҳавода карбонат ангидридни, тупроқда оксигенни кўпайтириш усуллари. Фазодаги ифлословчи газларга бардошли экинлар ва навлар яратиш.

Сабзавот экинлари ҳаётида сувни ахамияти. Бу экинларнинг сувга талаблари. Сабзавот экинларининг транспирацион коэффиценти, транспирация маҳсулдорлиги ва сув ўзлаштириш коэффиценти. Сабзавот экинларининг сувни ўзлаштириши ва намга талабчанлик хусусиятларини белгиловчи омиллар Сабзавот экинлари илдизларининг тупроққа жойланишларига кўра гуруҳлаш. Экинларнинг тупроқдан сувни суриш қобилиятлари ва уни сарфлаш хусусиятларига кўра таснифлаш. Сабзавотларни тупроқ намлигига муносабатига кўра ва ҳавонинг нисбий намлигига мувофик гуруҳлаш. Намлик шароитларини аниқлаш экинларнинг сув сарфларини аниқлаш усуллари. Очик майдон ва ҳимояланган жойларда сернамлик ва сувсизлик шароитларида намга талабчанлик шартларини бошқариш.

Экинлар ривожланиш босқичларига мувофик равишда озик элементларни ишлатилиши. Гектаридан олинадиган маҳсулот бирлиги учун ўзлаштириладиган ўртача суткалик ва жами озуқа миқдори. Сабзавот экинларининг тупроқ унумдорлигига талаблари ва буни илдиз системалари тузилишига ва бошқа шароитларига боғлиқлиги. Сабзавот экинларининг минерал ва органик ўғитларига муносабати. Илдиз орқали ва ундан ташқари озикланиш. Ўғитлаш миқдори, усули ва муддатларининг маҳсулот сифатига таъсири.

Сабзавот экинларини жинсий ва вегетатив кўпайишлари уларнинг биологик, агротехник ва иктисодий афзалликлари ва камчиликлари. Вегетатив кўпайишда, уларнинг биологик, агротехник ва иктисодий афзалликлари ва камчиликлари. Вегетатив кўпайиш усуллари (пиёзбош, туганак ва илдизларни бўлаклашлар, ҳавойй пиёзчалар, каламчалар, пайвандлаш, тўқималар, ўстириш).

Сабзавот экинлари уруғларининг фарқловчи белгилари. Уруғ моддалар жойланишларига кўра уруғлар таснифи. У ниш - ўсиш шарт - шароитлари, уруғлар таркибидаги ингибиторлар. Уруғлар унувчанликларининг сақланиш муддатлари ва айрим сабаблар. Уруғлардаги турли сифатлар.

КАМ ТАРҚАЛГАН САБЗАВОТ ЭКИНЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ фани бўйича:

Сабзавотчиликни илмий асослари, соҳанинг ривожланиши, вазифаси ва келажакдаги истиқболлари. Кам тарқалган сабзавот экинлари таркибидаги биологик актив моддалар: витаминлар, ферментлар, фитонцидлар, органик кислоталар, эфир мойлари ва бошқаларнинг инсон озиқланишидаги аҳамияти. Кам тарқалган сабзавотларни истеъмол қилишнинг илмий асосланган меъёрлари. Кам тарқалган сабзавот экинларининг ва умумий тавсифи.

Кам тарқалган сабзавот экинларининг хилма-хиллиги, уларни жаҳонда ва Республикада етиштириш ҳажмлари. Республикада етиштирилаётган кам тарқалган сабзавот экинларининг ботаник гуруҳлари. Кам тарқалган сабзавот экинларининг ҳаётий давомийлигига кўра таснифлаш. Генератив (ғунча, гул, тугунча, мева) ва вегетатив (ер устки, барг, пояли, пиёзли, мевали; ер остки илдизмевали, туганак мевали, илдиз томирли, илдиз пояли) қисмлари истеъмол қилинувчи сабзавотлар.

Кам тарқалган сабзавот экинларининг ботаник оиласи, келиб чиқиши ва тарқалиш ҳудудлари. Кам тарқалган сабзавот экинларининг истеъмол органларига кўра таснифланиши. Кам тарқалган сабзавот экинларининг ташқи муҳит омилларига муносабатлари. Кам тарқалган сабзавот экинларининг биологияси ва етиштириш технологияси. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экишга тавсия этилган ва районлаштирилган кам тарқалган сабзавот экинлари навларининг тавсифи.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент, “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. - 56 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. - 47 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга кўрамиз. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. - 485 б.

4. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. - 103 б.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда

6. И.А.Каримов «Эришилган ютуқларини мустаҳкамлаб янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим», "Қишлоқ ҳаёти газетаси", Тошкент 2006й. 14 феврал

7. Қишлоқ хўжалигида ислоҳатларни чуқурлаштиришга доир Қонун ва меъёрий ҳужжатлар тўплами. I-II томлар, Муаллифлар жамоаси, Тошкент, "Шарқ" нашриёт матбаа концерни. 1998 й.

8. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалиги экинлари «Давлат Реестри» Тошкент 2006й.

9. Литтл Т., Хиллз Ф. Қишлоқ хўжалиги дала тажрибалари. Колос, 1989, 319 б. Ўқув қўлланма.

10. Максимов В.Н. Биология фанида қўл омилиқ тажриба. Москва. 1989, 279 б. Ўқув қўлланма.

11. Перегудов В.Н. Ҳосил ашёларини статистик ишлов бериш йўллари услубияти. Москва, Колос, 1988. Ўқув қўлланма.

12. . Морозова Г.С, - “Виноградарство с основами ампелографии” Москва ВО “Агропромиздат”, 1997.

13. Темуров Ш.С. - “Узумчилик” Тошкент 2002..

14. Бўриев Х.Ч. - “Ҳавоскор боғбонларга қўлланма” Тошкент 2002.

15. www.gov.uz- Ўзбекистон Республикаси ҳукумат портали.

16. www.lex.uz- Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

17. [http://www. Agron. planning/](http://www.Agron.planning/).

18. <http://www.bfpais.ru>. Плодоводство и виноградарство

19. http://asiaxx.narod.ru/map_admin.htm. Сайт о плодоводство, виноградарство, бахчеводство Казахстана, Киргизии, Таджикистана, Туркмении и Узбекистана.

20. <http://www.CNSHB.ru>. Плодоводство Узбекистана.

21. <http://uzbekistan.uzpak.uz/F53.html>. Сады Узбекистана.

22. Остонакулов Т.Э. Зуев В.И. Қодирхўжаев О.К. Сабзавотчилик Т., “Н.Доба” 2009. (дарслик).

23. Зуев В.И., Атаходжаев А.А., Қодирхўжаев О., Асатов Ш.И., Ақромов У.И. Ҳимояланган жой сазавотчилиги. Т., “Иқтисод-молия” 2014. (дарслик).

24. Зуев В.И., Абдуллаев А.Г. Сабзавот экинлари ва уларни етиштириш технологияси. Т., «Ўзбекистон», 1997. (дарслик).

25. Зуев В.И., Бўриев Х.Ч. Қодирхўжаев О.К. Азимов Б.Б. Картошқачилик Т., «Ғофур Ғулом номли наширёт-матбаа ижодий уйи», 2016. (дарслик).

26. Бўриев Х.Ч, Зуев В.И., Қодирхўжаев О.К., Мухамедов М.М. «Очик жойда сабзавот экинлари етиштиришнинг прогрессив технологиялари» Т., “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” 2002. (дарслик).

27. Азимов Б.Ж., Бўриев Х.Ч. Сабзавот экинлари биологияси. Т., «УзМЕДИН» 2002.

28. Нуриддинов А.А., Боқиев А.Б., Бакўрас Н.С ва б. Сабзавотчилик, полизчилик ва картошқачилик справочниги. Т. 1987.

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТАЯНЧ
ДОКТОРАНТУРА ИХТИСОСЛИКЛАРИГА КИРИШ СИНОВЛАРИ
УЧУН МАХСУС ФАНЛАРДАН ДАЪВОГАРЛАРНИНГ
БИЛИМЛАРИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНИ**

Синов топшириш шакли	Ёзма
Ажратилган вақт	120 дақиқа
Саволлар сони	5
Ҳар бир савол учун белгиланган балл	20
Максимал балл	100
Ўтиш бали	55